

Qishloq hayoti

2009 йил

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 24 NOYABR, SESHANBA, 139 (7600) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 ноябрдаги 626-Ф сонли фармойишига асосан республикада 23 ноябрдан 23 декабргача "Ёнғин хавфсизлиги ойлари" ўтказилмоқда.



Кўҳна хунар соҳиблари томонидан ёғочга ўйиб ишланган гўзал нақшлар — оддий чизиқлардан мурраккаб геометрик шакллarga айланган жимжимдор санъат асарлари ҳақиқий маънода мўъжизадир. Ёғоч ўймакорлиги машаққатли ва катта меҳнат талаб этади. Шунинг учун бу сиру синоатта бой хунарни эгаллаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.



Ёш, умидли футболчиларимиз эришадиган ютуқларда "Шуртан" клубининг алоҳида ўрни бор. Мақсад ўзбек футболни дунёга танитadиган умидли футболчиларнинг янги авлодини вояга етказиш бўлиб, жамоа зиммасидаги масъулиятли вазифани бажариш учун астойдил интиломқда.

Қашқадарё вилояти

«ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ» ЯНАДА ТЕЗКОР



"Хар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга".

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 40-модда.)



Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самараси айниқса, қишлоқ жойларда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлашда аққол намоён бўлмоқда. Бунинг тасдиғини "Шошилинч тез тиббий ёрдам" илмий марказининг Қашқадарё филиалига қарашли Қарши шаҳар станцияси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда тиббий ходимлар малакасини оширишдан ташқари, уларни замонавий асбоб-ускуналар, техника воситалари билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида жорий йилда ушбу тиббий маскан тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун махсус жиҳозланган энг замонавий автомобиллардан фойдалана бошлади. Шунингдек, дунё тажрибасидаги энг сўнгги русумдаги алоқа воситаларининг ўрнатилиши билан тиббий хизмат тезкорлигини таъминлашда шифокорларга қулайлик яратилди.

СУРАТДА: Қарши шаҳар "Тез тиббий ёрдам" станцияси катта фельдшери Ийбос Тамиров.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Мамлакатимизда давом этаётган "Хар бир фарзандга меҳр-эътибор!" ҳафталиги доирасида пойтахтимизда "Мен ва менинг ҳуқуқларим" мавзuida иккинчи республика болалар форуми бўлиб ўтди.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

"Sen Yolg'iz Emassan" Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги иқтидорли ўқувчилар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ф.Шоумаров Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоялаш, уларнинг пухта билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятимизни янгилаш ва модернизациялашга қодир баркамол шахс бўлиб вояга етказишнинг изчил механизми яратилганини таъкидлади.

Мамлакатимизда 1992 йили Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ратификация қилинган. Ёш авлоднинг таълим-тарбия олиши, баркамол шахс бўлиб вояга етиши, ижтимоий ҳимояси миллий қонунчилигимизда тўла акс этган. Жумладан, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Таълим тўғрисида"ги қонунларга мувофиқ болаларни туғилганидан то вояга етгунича бўлган даврда саломатлигини ҳимоя қилиш, уларга пухта таълим-тарбия бериш, умумий орта таълим мактаблари, меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, педагоглар, ижтимоий ҳимоя тизими мутахассисларини моддий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Болалар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш йўлида олиб борилаётган эзгу ишлар "Sen Yolg'iz Emassan" Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ижтимоий қўмакка муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий, тиббий-психологик реабилитация

қилиш, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг билим олиши, саломатлигини тиклаши, истеъдодини намоён этиши, жамиятимизнинг фаол фуқаросига айланиши учун яқиндан қўмаклашишга қаратилган ибратли лойиҳалар, турли хайрия тадбирлари, кўрик-танловлар бунинг тасдиғидир.

Жамғарма томонидан мактаб ўқувчиларининг ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтиришга йўналтирилган қатор кўрик-танловлар, расмлар кўргазмаси, ижодий викториналар, фан олимпиадаларини мунтазам ўтказиш яхши анъаналарга айланган. Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган "Бола ҳуқуқлари тўғрисида нималарни биламан?" республика кўрик-танлови ана шундай тадбирлар сирасидан. Унда юртимизнинг умумий орта таълим мактабларида тахсил олаётган ёшнингичи синф ўқувчилари фаол иштирок этди. Мазкур форумга эса унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида голиб чиққан ўқувчилар таклиф этилди.

Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги 79-мактаб ўқувчиси Фарида Тошпўлатова уларнинг бири. У ўз ишосида юртимизда болаларнинг пухта билим олишига оид қонунларнинг ҳаётга қай тарзда татбиқ этилаётганини оддий мисоллар ёрдамида баён этган. Фариданинг айтишича, бундай тадбирлар болаларнинг ҳуқуқий мавзудаги билимининг янада бойитишда муҳим аҳамиятга эга.

Икки кун давом этадиган форумда иштирокчилар Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг асосий мазмун-моҳияти, болалар ҳуқуқларини таъминлашга оид миллий қонунчилигимизни ўрганадилар, бу борада юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

Куннинг муҳим воқеалари

► Пойтахтимизда хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар бошланди.

► Гулистон туманининг Бешбулок қишлоғида барча қулайликларга эга замонавий гузар фойдаланишга топширилди. Янги гузар ишга туширилгач, йигирмага яқин йигит-қиз иш билан таъминланди.

► Миллий санъат марказида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Осиё рамзи" Ўзбекистон моделерлар уюшмаси ҳамкорлигида "Ёшлар либоси" ёш дизайнер ва моделерлар тўпламларининг намоиши ўтказилди.

► Пойтахтимизда умумий ва орта махсус касб-хунар таълими жараёнида фанлараро узвийликни таъминлаш масалаларига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

► Наманган тиббиёт коллежидан "Энг намунали ёш оила" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Қорақалпоғистон Республикаси

МИНТАҚАВИЙ КЎРGAЗМА ИШ БОШЛАДИ

Нукус шаҳрида қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси иш бошлади.

Унда "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" институти ва Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида қурилиш соҳаси бўйича фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг уй-жой қурилиши бўйича лойиҳа экспонатлари, уй-жой макетлари, вилоятларда ишлаб

чиқарилаётган қурилиш, жиҳозлаш, мебель ва пардозлаш материалларининг намуналари намоён этилмоқда. Кўргазма иштирокчилари бу ерда "Қишлоқ қурилиш банк" ва уй-жой қурилишида буюртмачи вазифасини бажарувчи "Қишлоқ қури-

лиш инвест" инжиниринг компанияси томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари, шу жумладан, уй-жой қурилиши учун имтиёзли кредит ажратиш ва уй-жойларни тайёр ҳолда топшириш асосида қурилиш механизмлари билан яқиндан танишдилар.

— Кўргазма менда катта таассурот қолдирди, — дейди Нукус туманидаги "Саманбой" қишлоқ фуқаролар



ийгини раиси Эркин Тўребоев. — Худудимизда 20 та яқка тартибдаги уй-жойнинг қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Келгуси йили яна 24 та уй-жой қуриш белгиланган. Улар қишлоқларимиз қиёфасига янгилик чирой ва кўркамлик бахш этади. Давуд АБИДУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

"ЎЗБЕКЭНЕРГО" ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИДА

Мамлакатимиз энергетика тизими фаолиятининг заиф бўлишидан бири охириги вақтгача мазкур тизим тармоқларининг бир-бирига уланмагани эди. Шу сабабли мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларига электр энергияси Тожикистондаги "Регар" подстанциясидан етказиб бериларди.

Кейинги икки йилда "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси Ўзбекистон энергетика тизимини яхлит ҳолга келтириш бўйича изчил ишларни амалга оширди. Шу тариқа унинг ишончли ва узлуқсиз фаолият кўрсатишини таъминлади.

2009 йилнинг ноябрь ойи охирида "Фузор" ва "Сурхон" подстанциялари йўналиши бўйича Сурхондарё вилоятига электр энергиясини бевосита етказиш имконини берадиган 500 киловатли электр узатиш линияси қурилиши ниҳоясига етди ва у фойдаланишга топширилди.

25 ноябрь кун мазкур электр узатиш линияси қўлантририлди ва жорий йилнинг 1 декабридан бошлаб тўлиқ ишга туширилди. Бунинг натижасида илгари Тожикистон энергетика тизими Ўзбекистон худудига етказиб берган электр энергияси ҳажмига эҳтиёж қолмайди ва ундан Тожикистон ўзининг ички эҳтиёжлари учун фойдаланиши мумкин. Тожикистоннинг Сўд вилоятининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи эса бундан кейин ҳам илгари шакланган схема бўйича таъминланиши мумкин.

Фарғона вилояти

Поёнига етаётган кузнинг сўнгги қуёшли кунларини фарғоналиклар ўзига хос байрам шукҳи билан ўтказдилар. Вилоят марказида бир ҳафта давомида анъанавий "Асал байрами" бўлиб ўтди.

«АСАЛ БАЙРАМИ»ДА АСА ГАПЛАР

Одатдагидек, бу тадбир халқимиз дастурхонини тўкин-сочин қилишга муносиб ҳисса қўшаётган ноз-неъмат бунёдкорларининг яратувчанлик меҳнати кўригига айланиб кетди. Уни ташкил этишга вилоят Асаларичилар уюшмаси бош-

асаларичилар уюшмасининг ўзига хос шодибонасига уланиб кетди. Уюшма етакчиси таъкидлаганидек, мустақиллик йилларида бу тармоқ жамоаси чинакам ўсиш-юксалишга эришди. Буни уюшма аъзолари сафи тобора кен-гайиб, ҳозирги кунда 800 кишидан ортиб кетганини ҳам

кўрсатиб турибди. Вилоятда асаларичиллик ихтисослашган ўнлаб фермер ҳўжаликлари фаолият кўрсата бошлади. Шунга монанд равишда ялли маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғи ҳам ортиб борапти. (Давоми 2-саҳифада)

Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агроекономик комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, "Ерғодеэкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмахсулот", "Ўзкимёсанот", "Ўзагроосуғурта", "Ўзвиносаноат-холдин", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқҳўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ер-мой ва озик-овқат саноати", Ўзбекистон фермер ҳўжаликлари, "Ўзагромахсервис", "Ўзгўштсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агроекономик ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонспекция", "Сифат" маркази

ОБУНА - 2010



АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!
"Qishloq hayoti" ва унинг иловаси "Hayot" газеталарига 2010 йил учун обуна давом этмоқда. Обуна газета таҳририяти ва обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан вақд пул тўлови ёки пул ўтказиш йўли билан ҳамда пластик карточка орқали амалга оширилади.
БИЗНИНГ НАШР ИНДЕКСЛАРИМИЗ:
"Qishloq hayoti" ва "Hayot" биргаликда — 144
"Hayot" — 145

Анжуман Вилояти

ФЕРМЕР ФАОЛИЯТИДА ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат Фонди кўмаги билан Қўрғонтепа туманидаги "Оқ сув" фермер хўжалигида "Фермер хўжаликларини фаолиятига қайта ишлашни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кооперацияни ривожлантириш" мавзусида кўргазмали семинар ўтказилди.

Ўтган йиллар мобайнида фермерлик ҳаракатида бир қатор ютуқлар қўлга киритилди. Фермерлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида етакчи кучга айланди. Фермерларнинг имкониятларини юзага чиқаришда лизинг компаниялари ва молиявий муассасалар фаол кўмақдошга айланди.

Кўргазмали семинар ўтказилган "Оқ сув" фермер хўжалиги фаолиятида ҳам айнан уларнинг ҳиссаси катта. Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган амалий ёрдамларга таяниб иш ташкил этаётган қишлоқ мулкдорлари — Алижон Аҳмедов ихтиёрида

деҳқончилик учун энг қулай ва тежамкор техника воситаларининг аксарияти мавжуд. 238 гектар майдонга эга кўп тармоқли фермер хўжалигида пахта, галла, пилла, озука экинлари ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирилади. Хўжалик ҳолида сутни қайта ишлаш корхонаси ҳам бор.

Анжуманда фермерларнинг бошини қовуштиришда содда ва қулай кооперация шакли ҳамда бу борадаги хорижий давлатлар тажрибаси ҳақида сўз юритилди. Ўзаро кооперация доирасида фермерлар фаолиятини мувофиқлаштириш дунёнинг кўпгина давлатла-

рида турличадир. Қайси бир давлатда кооператив фақат фермерларнинг маҳсулотларини ички ва ташқи бозорга сотиш билан шугулланади. Бошқасида эса хизмат қилувчи кооперативлар ҳам бор. Барчасининг мақсади битта. Фермер ўз фаолиятини такомиллаштирсин, даромадга ва ривожланишга эришсин.

— Бу масалага республика миқёсида эътибор қаратилаётганлигини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим, — деди Булоқбоши туманидаги "Маъмиржон ота" фермер хўжалиги раҳбари, "Шўҳрат" медали соҳиби Тожибархон опа Қорақўзиёва. — Фермер бўлганимга 18 йил бўлди. Ерим кенгайди, иқтисодий имкониятм ортди. Айтирли барча техника воситаларига эгаман. Ўтган йили Австралиядан бўлдим. Фермер хўжаликларини фаолияти билан танишар эканман, фермерлар ўзаро уюшиб ишлашни кўриб,

ҳавас қилдим. Фермер ҳуқуқий жиҳатдан мустақил. Кооператив ихтиёрий уюшма бўлиб, унга қўшилиш ёки қўшилмаслик фермернинг ихтиёрида. Агар кооперация ривож топса, табиийки бундан аввало фермерлар манфаат кўради.

Кооперацияни йўлга қўйишнинг ташаббускорларидан бири бўлган Алижон Аҳмедов кўплаб хорижий давлатларда бўлиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида билим ва тажрибаларини оширган. Унинг айтишича, франциялик фермерлар ялли даромадининг 5 фоизини фан ва технология ривожига учун ажратиб экан. Улар нафақат бугунги кунни, балки эртаси ҳақида ҳам қайғуради. Жанубий Кореяда эса ихтиёрий йиғимдан тушган маблағ ҳисобига илмий анжуманлар ташкил этилади, илгор тажрибаларни ўрганиш учун хорижга сафарлар уюштирилади. Хуллас, фермерлар ҳаммиса бир-бирлари билан мулоқотда бўлишлари учун шароит яратилган.

Республика Фермерлар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Тўхтамурод Бозоровнинг таъкидлашича, бундай анжуманлар республиканинг барча ҳудудларида ташкил этилади.

Кобилжон АСКАРОВ.
"Qishloq hayoti" мухбири.

Самарқанд Вилояти

ИЛМ АМАЛИЁТГА ПАЙВАСТА

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини оширишда аграр фанлар ютуқларининг ўрни" мавзусида Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиз ва МДХ давлатларининг аграр соҳа академиклари, профессорлари, ишлаб чиқариш мутахассислари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоятдаги олий-гоҳларнинг профессор-ўқитувчилари, таълим ва қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган мутахассис-ҳодимлар иштирок этишди.

Унда мамлакатимиз ва МДХ давлатларининг аграр соҳа академиклари, профессорлари, ишлаб чиқариш мутахассислари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоятдаги олий-гоҳларнинг профессор-ўқитувчилари, таълим ва қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган мутахассис-ҳодимлар иштирок этишди.

Анжуман

чиққан олимлар томонидан институтда ёш авлодни тарбиялаш, аграр соҳага мутахассислар етказиб бериш ва фан соҳасида эришилган ютуқлар ҳамда истиқболдаги вазифалар ҳақида кизгин маърузалар тингланди. Шунингдек, олимлар аграр соҳада қўлга киритилган фан ютуқларини қишлоқ тарақ-

қибти ва фаровонлигини оширишга йўналтириш, фермер хўжаликларини талабларидан келиб чиққан ҳолда илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналишларини белгилаш, яқунланган илмий изланишларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича ўз тавсияларини билдириб, бу борада қизгин баҳс-мунозара юритилди.

Анжуман иштирокчилари институтда ташкил этилган фан ва таълим соҳасида эришилган ютуқлар ҳақидаги кўргазма билан ҳам танишишди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Диққат, «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги!»

Ҳурматли ҳамюртлар! Маълумки, қиш фаслида фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжлари бошқа даврларга нисбатан бирмунча ортади. Бу эса ёнғин хавфи ошишига сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 ноябрдаги 626-Ф сонли фармойишига асосан бундай ҳолатнинг олдини олиш учун республикада 23 ноябрдан 23 декабргача "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилмоқда.

Фармойишда кўрсатилганидек, ушбу тадбирни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад — "иқтисодий тармоқлари объектларида ва аҳоли турар-joyларида ёнғин хавфсизлиги тадбирларини кучайтириш орқали содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш, улар оқибатида юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларни кескин қисқартириш ҳамда фуқаролар орасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини кенг тарғиб этиш", деб белгиланган.

Азиз ватандошлар! Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишларингизни сўраган ҳолда таъкидлаймизки, бу даврларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб, Сиз нафақат ой-



лик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкнингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги"нинг ўтказилишида фаол иштирок этувчиларга олдиндан самимий миннатдорчилик билдиради.

Хоразм Вилояти

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Урганч шаҳридаги 2-сон академик лицейининг мажлислар залида 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун олдида Хоразм вилояти адлия бошқармаси мутасаддилари томонидан "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мақсадида амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Хоразм вилоятининг барча ҳудудларида фаолият кўрсатаётган нотариал ва ФХДЭ идоралари ходимлари, имом-хатиблар, маҳалла ҳамда жамоатчилик вакиллари, ўқувчи ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар. Йиғилишда фуқаролар муножаратлари адлия идораларининг доимий эътибори марказида эканлиги алоҳида таъкидланди, нотариал, ФХДЭ ва адвокатура йўналишларининг матбуотда ёритилиши юзасидан мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари билдирилди.

Шунингдек, анжуманда аҳолининг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини, бурч ва мажбуриятларидан бохабар бўлиши ҳамда ҳуқуқий саводхонлик даражасининг ошишида адлия тизими муассасаларининг фаолиятини кенг ёритиш мўҳим аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратилди.

Ҳолмурод ҚУРБОНОВ

Қорақалпоғистон Республикаси

АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ МУҲОФАЗАДА

Оролбўйидаги 350 овул ва маҳалла фуқаролар йиғинларида 1195 та аҳоли яшаш пунктлари мавжуд. Улардаги аҳолининг 65 фоиздан ортигини аёллар ташкил қилади. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини, оналик ва болаликни муҳофазалаш, уларни ихтиёрий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга бўлган эътибор янада кучайтирилди.

Бундай ҳаётий вазифаларни талаб даражасида оло этишда марказдан анча олдисдаги овулларда кенг қўламдаги ишлар комплекс тарзда, жамоатчиликка таянган ҳолда олиб борилиши талаб қилинади.

Нукус шаҳрида мамлакатимиз хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги "Қўнғил нури" маркази, "Маҳалла" хайрия жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими ташаббуси билан ўтказилган ўқув-семинарда ана шундай масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ

Қашқадарё Вилояти

ҲОСИЛДОРЛИК КЎТАРИЛИБ, МАҚСАДЛАР КЎПАЙМОҚДА

Косон туманидаги "Ҳайдар ўғли Пирмат" фермер хўжалиги аъзолари меҳнат ва омилкорлик билан йил сайин қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширмоқдалар.

Жорий йилда 35 гектар галлазорнинг ҳар гектаридан 65 центнердан, 43,5 гектар пахтазорнинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олинди.

— Мақсадимиз хўжалигимизда тармоқларни ривожлантириш, — дейди фермер Акбар Ҳайдаров. — Чорвачиликни йўлга қўйиб, қайта ишлашни ташкил этмоқчимиз.

СУРАТДА: фермер Акбар Ҳайдаров ўғли Чори билан.

Муродулло КОМИЛОВ
олган сурат.



ГАЛЛА ТИНИМ ДАВРИГА КИРИШГА ТАЙЁРМИ?

Юртимизда куз фасли охирида, қиш яқинлашиб келмоқда. Галла экинлар майдонлардаги мақбул кўчат сонини ҳамда кузги бошоқли дон экинларини совуққа бардошлилигини таъминлашда муҳим арготехник чора-тадбирларни амалга ошириш галлакорларимиз олдидаги энг долзарб ва асосий вазифа ҳисобланади.

Республика бўйича галла экиш учун ҳар бир вилоят ва минтақанинг тупроқ-иклим шароитига мос келадиган бугдой навлари жойлаштирилди. Ерни галла экишга тайёрлаш олдиндан фосфорли ва калийли ўғитларнинг йиллик меъёри берилди. Экиш учун навдор, экиш сифати юқори, турли хил касаллик ва зараркундаларга қарши кимёвий воситалар билан ишланган уруғликдан фойдаланилди.

2009 йилги куз фаслининг ёнғингарчиликсиз ва нисбатан иллик келиши галла экишни асосий майдонларда мақбул муддатларда ўтказиш имкониятини берди. Аммо кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, республиканинг барча галла экинган майдонларида галла ривож бири хил эмас.

Ушбу ҳолат таҳлил қилинганда, 36 фоиз майдондаги галла туплаш фазасида, 40 фоиз майдондаги галла эса 2-3 барг ҳосил қилган, қолган майдонлардаги галла уни чикши бошқичида эканлиги аниқланди.

Тула туплаш бошқичида тиним

даврига кирган бугдой яхши қишлоқда. Чунки, туплаш бошқичида бугдой илдиз тизими яхши ривожланган бўлиб, тупроқ ва ташқи муҳит ҳароратини тез ўзгарувчанлигига чидамли бўлади. Бугдой майсаси 2-3 тадан барг ҳосил қилганда ташқи муҳитнинг ноқулай омилларига анча чидамсиз бўлади. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда ҳар бир даладаги бугдой ҳолатини ҳисобга олиб, кузги арготехника тадбирларини ўтказиш мақсадаги мувофиқ бўлади.

Ҳозирги кундаги парвартишладан асосий мақсад — галла экин майдонларида мақбул кўчат қалинлигини сақлаш, зарур бўлса уруғ униб чиқмаган дала қисмларига тез кунда қўшимча уруғ экиш йўли билан кўчат қалинлигини таъминлашдан иборат.

Кузги галла экинлари ўзининг ўсув даври давомида икки босқични ўтади: биринчиси экишдан то доимий совуқ тушунга қадар, иккинчиси эса эрта баҳорги уйғоншидан бошланиб, пишиб етилгунга қадар. Бу иккала давр оралиғида кузги галла экинлари қишқи

тиним даврини ўтади.

Галла экинлари тиним даврига киргунга қадар қишга тайёргарлик ҳолатини ўтади. Шу давр давомида ўсимликда мураккаб физиологик ва биокимёвий жараёнлар содир бўлиб, ўсимликни туплашни туғунда қанд миқдори ортади. Бу эса қишга чидамлик ҳолатини оширади. Бугдой яхши чиникқанда унинг туплашни туғуни 18-20 даража совуққа бардош беради. Яхши чиникқанда эса у 15-17 даража совуқда ҳам нобуд бўлиши мумкин.

Агротехника

Экиш пайтида уруғ тупроқнинг юза қатламидан қолиши, азот етишмаслиги, ер экишга сифатсиз тайёрланиб, касалли майдонга уруғ экилиши, захлатиб, ботириб сугорил каби омиллар галла майсаларининг сарғайиб қолишига олиб келади.

Буни бартараф этиш жараёнида гектарига 30-35 кгдан таъсир этувчи модда ҳисобидан азотли озиклантиришни зудлик билан ўтказиш, шарбат ва фекал оқизишни ташкил этиш, сув қўйилган майдонлардаги сувларни чиқариб юбориш, сув тортиш дренажларини нормал ишлаш ҳолатига келтириш каби қўшимча тадбирларни амалга ошириш зарур.

Ўсимликнинг минерал ўғитларига бўлган талабини ҳисобга олган ҳолатда фосфорли ва калийли

ўғитлар экиш олдиндан ерга солинганлиги сабабли азотли ўғитлар билан кузги озиклантиришни ўтказиш шарт. Бундан азотли ўғитлар йиллик меъёрининг 15-20 фоизини бериш тавсия қилинади. Бу эса ўсимликнинг туплашни жараёнига бошоқдаги дон миқдорига ижобий таъсир этади, уларни қишга чидамликни ортиради. Кузда кеча-кундуздаги ўртача ҳарорат +5° С бўлганда ўсимлик тиним даврига киради.

Айни пайтда майдонлардаги бугдой ривожини яхшилаш ва уларни қишга тайёрлаш учун қуйидаги тадбирларни ўтказиш лозим:

- қисқа муддат ичида кузги бугдой майдонларидаги ўсимлик ҳолати, кўчат қалинлиги тула таҳлил қилиниши керак;
- ҳар бир фермер хўжалигида контроллар ва ҳар бир ер майдони бўйича ўсимликлар ҳолати ҳисобга олинган ҳолда кузги азотли озиклантиришни 1-декабргача ўтказиш;
- ерни экишга тайёрлаш олдиндан фосфорли ва калийли минерал ўғитлар берилмаган майдонлар мавжуд бўлса, у майдонларни қисқа кунлар ичида фосфорли ва калийли ўғитлар билан ўғитлаш;
- айрим сабабларга кўра бугдой экинган майдонларда уруғ униб чиқмаган қисмлар аниқланса, у ерларни юмшатиб, қўшимча уруғ экишни ташкил этиш;
- қиш фаслида ёнғингарчилик

миқдорининг кўп бўлиши эҳтимоли ҳисобга олинган ҳолда экин майдонлари охирида тўпланган сувларни қочириб уруғ маҳсус ташламалар ташкил этиш.

— сув қўйиш муддатини узайтирмасдан, сувнинг қўллашига йўл қўймасдан ер шароитини ҳисобга олган ҳолда гектарига 700-800 куб м. сув бериш;

— бугдой униб чиққан ва туплашни фазасига ўта бошлаган барча майдонларда 8-10 кг. хлорли калий, 7-10 кг. суперфосфатни сувдаги эритмаси билан илдиридан ташқари озиклантириш, чиритилган ҳайвон ва парранда гўнғидан тайёрланган шарбат суви оқизишни ташкил этиш, пайҳонгарчиликка қарши экин майдонлари атрофини четан тўсиқлар билан тўсиш. Кузда ҳаво ҳароратининг иссиқ келиши, кечаси тушадиған шудринг ва киров натижасида намликнинг ошиши эрта экинган майдонларда ҳар экин замбурғ ва зараркундалар пайдо бўлишига олиб келади. Шу сабабли "Ўсимликларни ҳимоя қилиш" отрядлари ходимлари билан ҳамкорликда кузатув олиб бориш, касалликларни аниқлаш ва уларга қарши курашни ташкил этиш.

Юқоридаги тадбирларни амалга оширилиши бошоқли дон экинлари экинган майдонлардаги кўчат қалинлигини мақбул таъминлашга олиб келади ва бу ҳар бир гектар майдондаги дон ҳосилдорлигига ижобий таъсирини қўсади.

Равшанбек СИДДИКОВ,
Сугорилидаган ерларда галла ва дуққалик ўсимликлар илмий-тадқиқот институти бош директори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

Божхона

Сохта "фармацевт"

Республикаимиздан дори-дармон ва фармацевтик маҳсулотларни олиб ўтишда божхона қонунчилигининг бузилишини олдини олиш борасида божхоначиларимиз томонидан қатор чора-тадбирлар олиб борилмақда.

Сифатсиз дори-дармон ва фармацевтика маҳсулотлари инсон учун энг азиз неъмат — сохат-саломатликка жиддий ҳавф туғдириши шубҳасиз. Чунки, ҳар хил шароитларда ва белгиланган меъёrlарга риоя қилинмаган ҳолда ташкилланган, олиб келинадиган дорилар шифо ўрнига касалликни янада кучайтириб юбориши мумкин. Афсуски, ушбу оддий ҳақиқатдан кўз юзган айрим кимсаларни юртдошларимизнинг саломатлигидан кўра, мўмай даромад кўпроқ кўзиштиради.

Фаргоналик божхоначилар фуқаро Мансуржон Исмоиловнинг кингир қилишларига нукта қўйишди. "Москва-Фаргона" авиайўналишида учиб келган ушбу юртдошимиз умумий нархи салкам 23 млн. сўмлик 34 хил турдаги дори-дармонларни божхона юк баённомаларида кўрсатмаган ҳолда олиб қиравётганда тўхта-тиб қилинди.

Энг ачинарлиси, мазкур товарлар божхона баённомасида кўрсатилмагани етмагандек, уларнинг аксарияти фойдаланишга мулкка яроқсиз эканлиги исботланди. Яхшиямки, ушбу қонунбузарлик ҳолатига ўз вақтида чек қўйилди. Аҳолида шифо топиши илминики ушбу дорилардан фойдаланган беморлар саломатлигига жиддий ҳавф туғилган бўлур эди. Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан тегишли суриштирув ишлари олиб борилмақда.

Давлат божхона қўмитаси
Матбуот хизмати



«Кеб қилиш, асал асал мазасидан маълум».

Фаргона Вилояти

ШОТЎРАЛИК ХАЛҚ УСТАСИ

Кўча ҳунар соҳиблари томонидан ёгочга ўйиб ишланган гўзал нақшлар — оддий чизиклардан мураккаб геометрик шакллarga айланган жимжимодор санъат асарлари ҳақиқий маънода мўъжизадир. Ёғоч ўймакорлиги машаққатли ва катта меҳнат талаб этади. Шунинг учун бу сирни синоатта бой ҳунарни эгаллаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Маҳаматали ота касбига қизиқгани учун тенгқурлари каби мактабдан кейин тўғри устaxonага ошиқшига одатланди. Бундан нафақат уста Юсуфжон, балки кўни-кўшилари ҳам қувонди.

...Бугун ҳам мактабдан барвақт қайтган Маҳаматали ёгочга ўйилган нақшларга завқ билан боқди, устaxonага кирди. Отаси иш билан банд бўлгани учун ўғлининг келганини сезмади. Маҳаматали салом берганидан кейингина сергаланди.

— Мана бу тахтачага нақш солиб, опойинга совға қилгин, — деди у. — Нималарга қодир эканлигингни кўрайлик-чи!

Маҳаматали икки қарич келадиган силлиқ тахта олиб, гўзаллигини сирли олами деб аталмиш наққошлик санъати дунёсига фарқ бўлди. Тахта сиртида дастлаб оддий чизиклар, кейин эса

шакллар ҳосил қилди. Бора-бора улар ислимий ва гирех нақшларига айланди.

Маҳаматали отасининг дастёри ва чаққон ёрдамчиси эди. Уста Юсуфжон унга қийин топширилган ларни ҳам бераверар, ўғил эса уларни кўнгилдагидек бажарарди.

— Ўғлим, бугундан бошлаб уста бўлдинг, — деди бир кун дастурхон атрофида уста Юсуфжон. Ўрганган ҳунарингни қадрлаб, ардоқла. Миҳозлардан буюртма олсанг, уни ўз вақтида сифатли бажар. Шундай қилсанг, дилинг равшан тортади. Эгасини рози қилиб олган пулнинг баракаси бўлади...

От ўрнини той босар деганларидек, Маҳаматали Юнусов бугунги кунда республикамизнинг кўзга кўринган ўймакор усталиаридан бири. Билим ва тажрибасини ошириш мақсадида,

хамон ўз устида тинмай ишлайди, янгиликлар яратишга интилади.

Чорак асрдан буён миллий ҳунармандчилигимизнинг наққошлик йўналишида ижод қилаётган М.Юнусовнинг иши пухта, ёгочга туширган нақшлари эса бетакрор. Уларга тарихий ва миллий услубларда сайқал берилган, Европа меъморчилиги аъёнлари билан уйғунлаштирилган. Шу боисдан устани Шотўра қишлоғига сўраб келувчиларнинг кети узилмайди.

Устанинг ҳар бир ишига Кўкон меъморчилигининг ўзига хос услублари ва нақшининг бошқаларга ўхшамас йўналишлари ўз ифодасини топади.

Маҳаматали Юнусовнинг ёғоч ўймакорлиги касбига, наққошлик меҳнатига, ҳунармандчилик ишига баҳо бермоқчи бўлсангиз, Фаргона вилоятининг истаган шаҳар ва туманига, Жиззах вилоятининг Зарбдор туманидаги "Буюк ипак йўли" чойхонаси, "Оқ сарой" оромгоҳини бориб кўринг. Истиклол йилларида уста мамлакатимизнинг қўлбал кўнрақларида, шу жумладан, Имом ал-Бухорий,

Баҳоуддин Нақшбандий мажмуаларида олиб борилган қурилишларда фаол иштирок этди. Шунингдек, 80 нафар шоғирди билан биргаликда янгидан бунёд этилган Хаси Имом меъморий мажмуасининг қурилишида ҳам қатнашди.

Бугунги кунда Маҳаматали ака ташкил этган "Уста Юсуфжон наққош" хусусий корхонасида 50 нафар уста фаолият олиб борапти. Улар миҳозларнинг буюртмаларини ўз вақтида сифатли бажаришдан ташқари, юздан зиёд ёшларга дурадгорлик, ёғоч буюмлари яшаш, ўймакорлик, меҳнат соҳасидаги ҳунарлардан савоқ беришмоқда. Корхонада устоз-шоғирд аъёнани яхши йўлга қўйилган. Бу мактабнинг таълими ошган Сарвар Тоштемиров, Умиджон Каримов, Абдуназар Қосимов, Ихтиёр Муталипов, Отабек Узоқовлар мустақил иш бошлашди.

Маҳаматали Юнусовнинг ташаббуси билан Навбахор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуддаги қишлоқ ва маҳаллаларда янги иш ўринлари яратилиб, унга коллеж-

ни битирган ёшлар жалб этилди. Шунингдек, кам таъминланган оилалар, бемор ва ногиронлар, кўп болали оила ва ёлғиз яшовчи кишиларга моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатмоқда. Уста 21-мак-таб ва Калдушон қишлоқ врачлик амбулаториясига ҳам ҳоҳийлик қилади.

— Мен нимага эришган бўлсам, уларнинг бари ота-онам берган тарбия маҳсулидир, — дейди М.Юнусов. — Фарзандларим ва шоғирдларимга ҳам олган сабоқларимни уқтиряман.

Наққош уста Маҳаматали Юнусовнинг кўп йиллик самарали меҳнати ўз қадрини топди. У 2007 йили Президентимиз Фармонига кўра "Ўзбекистон Республикаси халқ устаси" деган фахрли унвонга сазовор бўлди. Ўзбекистон Бадиий академиясининг Бадиий ижодкорлик уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Халқ депутатлари Фаргона вилояти Кенгашига депутат этиб сайланди.

Маҳаматали Юнусов Фаргона вилоятининг Фуқат тумани Шотўра қишлоғида истиқомат қилади. Халқ ҳунармандчилиги ривожига катта ҳисса қўшаётган уста ўз ҳунари, одамийлиги билан элда обрў-эътибор топган фидойий инсон.

Баҳоидур НОСИРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
ижодий уюшмаси аъзоси.



КОНЧИЛАР ТЕХНОГЕН ТАЛОФАТ ҚУРБОНИ

21 ноябрь кунин Хитойнинг Россия билан чегарадош Хейлунцзян вилоятида жойлашган йирик шахтада портлаш юз берди. Воқеа юз берган пайтда ер тагида қарий 528 нафар қончи бўлган, улардан 389 нафар шахтани тарқ этишга улгурган.



Ахборот агентликлари томонидан кеча тонгда тарқатилган маълумотларда келтирилишича, шахтада газ портлаши оқибатида ҳалок бўлганлари сони 104 тага етди. Шахтада ўз берган портлаш кучи шундан аёнки, у 10 километр узоқликдаги аҳоли турар-жойларида ҳам ерни ларзага келтирган. Ушбу воқеа муносабати билан шахта раҳбари, унинг ўринбосари ва бош муҳандис ишдан бўшатилди. Воқеа сабаблари ўрганилмоқда.

Бу воқеа мамлакат қон саноати тарихида энг йирик техноген талофат ҳисобланади. Худди шундай воқеа 2007 йилда Шаньси вилоятидаги қончи ўз берган эди. Ушанда 104 нафар қон хизматчиси ҳаётдан қўз юмганди.

ЧОЛУ КАМПИРНИНГ ЖОСУСЛИГИ ФОШ БЎЛДИ

Америкалик 72 ёшли Уолтер ва 71 ёшли Гвендолин Майерслар узоқ йиллар давомида Куба фойдасига жосуслик қилиб келганларини тан олишди.

Эр-хотин 1978 йилдан 2007 йилга қадар, яъни Америка давлат департаментини ишлаган кўп йиллик фаолиятлари давомида мунтазам равишда АҚШ мудофасига дахлдор махфий ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни кубалик жосусларга узатиб туришган экан. Уолтер Майерс умрбод қамқоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин. Унинг хотинига нисбатан эса 6-7,5 йиллик қамқоқ жазоси белгиланади. Шунингдек, жосу эр-хотинлар 1983 йилдан 2007 йилга қадар давлат томонидан маош тарқасида олган — 1 миллион 735 минг 54 АҚШ доллари миқдоридagi маблағни бюджетта қайтаришлари шарт.

Эр-хотин Майерсларнинг жосуслик фаолиятини фош қилиш учун Америка федерал суриштирув бюроси мутахассислари қарий уч йилни сарфлашди. Куба разведка хизматида Уолтер Майерс "Агент 202", хотини эса "Агент 123" деб номланган бўлиб, жосу эр-хотинлар махфий маълумотларни қисқа тўлқинда ишловчи рақия орқали, яна қўпгина ҳолатларда эса Латин Америкаси мамлакатларига қилган сафарлари чоғида узатиб туришган.

Кубанинг сойқ давлат раҳбари Фидель Кастро Майерслар иши юзасидagi фикр билдириш экан, бу тафсилотлар АҚШ манфаатлари учун хизмат қилувчи сиёсий ўзини ҳолос, дея таъкидлаб ўтди.

10 ЁШЛИ БОЛАЛАР ПОЛИЦИЯЧИЛАР САФИДА

Африкадаги Сьерра-Леоне республикаси пойтахти Фритаун шаҳри полиция хизмати шаҳарда жиноятчиликка қарши курашиш ишларини жонлантириш учун сафарбарлик эълон қилди.



Кейинги йилларда Сьерра-Леонеда авж олган фуқаролар уруши 2002 йилда тўхтаган. Кўп йиллар давомида республикада жиноятчилик, айниқса, гўйиванд моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси "гуллаб-пишмиш" бўлиб келди. Шунинг билан жиноятчиликнинг сафарбарликдан ажабланмас ҳам бўлади. Лекин эндиги сафарбарлик ҳаётини 10 ёшдан кичик бўлмаган болакайлarga ҳам дахлдор экани кўпчиликини, айниқса, болалар ҳуқуқини муҳофаза қилувчи халқаро ташкилотларни таассуфлантирмоқда. Сьерра-Леонелик ақсарият ота-оналар эса ёш болалар ўртасида жиноятчиликни қамайтиришда бу қораяхши самара бериши мумкин, деб ҳисоблашмоқда. Уларнинг фикрича, болакайлр гўйиванд моддалар ёки қурол-аслаҳа контрабандасига аралашиб қолганда кўра полиция сафида бўлиши афзалроқ. Даҳшатлиқ, бугунги кунда минглаб маҳаллий ўсмирларнинг турли жиноий гуруҳлар "хизмати"га ёлланиб олишгани инкор этиб бўлмайдиган фактир.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



КўЧАР ВА КўЧМАС МУЛКНИНГ ФАРҚИ

Кўчмас мулклар ва кўчар мулклар деганда нима тушунилади? Улар бир-бирдан қайси жиҳатларига кўра фарқ қилади?

Жамшид ОРИПОВ
Тошкент вилояти Зангиота тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 83-моддасига мувофиқ, мол-мулк фуқаролик объекти сифатида кўчмас мулкка ва кўчар мулкка бўлинади.

Кўчмас мулк — ер участкалари ва ер ости бойликлари, кўп йиллик дов-дараклар, бинолар ва иншоотлардан иборатдир. Шунингдек, бошқа мол-мулклар ҳам кўчмас мулк қаторига кири-тилиши мумкин. Кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни қўлга киритиш ва улар бекор бўлишининг ҳусусиятлари қонунлар билан белгилаб қўйилади.

Кўчмас мулк жумласига кирмайдиган мол-мулк **кўчар мулк** ҳисобланади. Кўчар мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш талаб этилмайди. Фақат қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

ИМОРАТ ҚАЧОН УЙ ДЕБ ТАН ОЛИНАДИ?

Боғдорчилик ва бошқа ер участкаларида жойлашган иморатларни уйлар деб тан олиш мумкинми?

Қаҳрамон МИРЗАЕВ
Сурхондарё вилояти Денов тумани

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 17-моддасига кўра, боғдорчилик ва бошқа ер участкаларида жойлашган ҳамда ушбу кодекстининг 9-моддасида назарда тутилган талабларга жавоб берадиган иморатларга эга бўлган шахслар шу иморатларни уйлар сифатида расмийлаштиришни талаб қилишга ҳақиқийдир. Бу иморатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда туман, шаҳар (шаҳар таркибига кирувчи туман) техник инвентаризация қадастр бюросида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, уйлар деб тан олинади.

Саволларга ҳусусий амалиёт билан шуғуллиган юристлар
нотариус Мусасар ТОШПҮЛАТОВА
жавоб бериди.

Наманган Вилояти

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ

бу усул нафақат обихаётни, балки бошқа ресурсларни ҳам икки барабар тежайди

Абдувоҳид Болтабоев раҳбарлигидаги Уйчи туманидаги "Жалолиддин-Сардор-Ҳамкор" фермер ҳўжалиги аъзолари жорий йилда жами 55 гектар майдонда деҳқончилик қилди. Шундан 37,3 гектар майдонга пахтанинг "С-6524" нави, 14 гектар майдонга эса бутдойнинг "Кума" навлари экилди. Ҳар иккисидан ҳам ҳосилдорлик кўнгилдагидек бўлди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурига кўра ушбу фермер ҳўжалигида тажриба тарқатишда томилиятиб суғориш татбиқ этилди. Тажрибадан маълум, ҳар қандай янгилик, албатта, катта сарф-харажат ва маблағлар авазига юзага чиқади. Шу боис ҳўжалик жамғармаси ҳисобидан 11 миллион 400 минг, "Агробанк"нинг туман бўлиmindан 3 миллион 600 минг оум кредит маблағини сарфлаб, 5,80 гектар пахта майдони томилиятиб суғоришга мослаштирилди. Ғза майдон олдига уч босқичли ҳовузлар қурилди. Ҳар бир ҳовузнинг эни уч метри бўлиб, биринчи ҳовузнинг узунлиги олти метр, чукўрлиги 1 метру 80 сантиметри ташкил этди. Унга 80 тонна маҳаллий ўғит ташлаиб, бир тонна калий минерал ўғити билан омикталаштирилди. Биринчи ҳовузда обдон ачитилган шарбат суви узунлиги етти, чукўрлиги уч метрлик иккинчи ҳовузга оширма тарзда оқизиб ўтказилади. Учинчи ҳовузнинг узунлиги 10 метр бўлиб, чукўрлиги 5 метру 40 сантиметр. Ундаги тиндирилган сув, 60 тонна сиклими дистарнага сув тортиш насоси орқали тўлдирилди. Шундай қилиб фермер даласида томилиятиб суғориш технологияси йўлга қўйилди.

СОЛИҚ ИМТИЁЗИ

У кичик бизнесга катта имкон

Республикамизда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодийни янада эркинлаштириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Ҳусусий тадбиркорларга яратилаётган имтиёзлар импорт ўрнини босадиган ҳолда экспорт боп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан бирга аҳоли бандлиги таъминланишида муносиб улуш қўшаётир.

Мамлакатимизда жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида кичик корхоналар сони 5,9 фоизга кўпайди. Кичик бизнеснинг улуши санаатда 16,6, ушбу тармоқда банд бўлганлар умумий сони 73,8, экспортда 13,3 фоизни ташкил этгани ана шу эътибор ва имтиёзларнинг маҳсулидир. Кичик бизнес субъектларига берилган имтиёзлардан бири — солиқ соҳасидир. Бу эса ҳусусий секторнинг ривожланиши, мамлакатимиз иқтисодийнинггина эмас, балки аҳолининг иқтисодий аҳолининг ҳам яшиланишига ижобий таъсир этмоқда.

Тахлилмизни бу борада Қорақалпоғистон Республикасида олиб борилаётган ишларда кўриб чиқасан.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича



қубдан ошмади. Шунингдек, ишчи кучи, айниқса, техниканинг ўзидан гектарига 58 литр ёниги тежалди.

Томилиятиб суғориш технологияси билан яқиндан танишиш мақсадида Хитойга бордик. Пахта етиштириш борасида етакчи ўринни эгаллаган Хитойда ҳосилдорлик ўртача 60-75 центнердан жамғарилади. Хитойлик ҳамкасблар қўш қаторга чигит қадаб, ҳар бир гектар ерда ўртача 210-220 минг гўза қўчати парваришлар экан. Ғза ниҳолларини озиклантириш ҳам, экин зараркундаларига қарши курашиш ҳам, суғориш орқали амалга оширилган экан. Энг эътиборли жиҳати пахта майдонларида биронга ҳам бегона ўт қўзга ташланмайди. Чунки бегона ўтга қарши курашиш

ҳам суғориш орқали, яъни гербицид ёрдамида эришилади. Хитойнинг пахта далаларида, боғ-роғларига, паррандачилик фермаларида бўлиб, улар ҳар бир қарич ёрнинг, ҳар бир томчи суви қадрлашларига амин бўлдим. Шунда бизлардаги табиий шaroит билан улардаги табиий шaroитни ҳаёдан таққослаб кўрдим. Яратанга минг бор шукроналар бўлсинки, бизлардаги табиий шaroит ва имкониятлар улардан кўра минг чандон афзал. Фақат бизлар ташаббус кўрсатиб, ташаббусни қўллаб-қувватлаб, янгиликка интилиб, ғайрат-шиқоят билан ишласан, барча қўзланган эзгу мақсадларга эришамиз, албатта.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Qishloq hayoti" муҳбири.

лаш пировардида сифати ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашга эришилади.

Қорақалпоғистон Республикаси туманлари миқёсида ҳудудий ДСИ ҳодимлари томонидан бу борада амалдаги қонунчилик асосларининг мазмун-моҳияти кенг тарғиб этилмоқда. Бу борада жамоатчилик соҳадаги ўзгариш ва янгилишлардан ўз вақтида хабардор қилиб турилибди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда юритилаётган солиқ сибасининг изчил амалга оширилиши, тадбиркорлик субъектларининг фаолият юритишларига қулай шарт-шaroит яратиш ҳамда фуқароларимизнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун замин яратишдир.

К.АЛИМОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси Давлат Солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи.

Сурдарё Вилояти

САХОВАТ САНДИФИ

Зомин туманидан Пахтаобод қўрғонига кўчиб келган Абдумавлон Маҳмудов чўлда йирик ер эгаси бўлиши, эл орасида катта обрў-эътибор топшишга даставвал ўзи ҳам ишонганга эди. Ҳалол ва фидокорона меҳнат, янгиликка додил интилиш уни тумандаги йирик ер эгаларидан бирига айлантирди, энг асосийси, мўл пахта, галла етиштириш, кенг боғ ва узумзорлар барпо этиш баробарида у 120 нафар кишини доимий иш билан таъминлади.

Кўп йиллар қишлоқ ҳўжалигида барақали меҳнат қилган Абдумавлон Маҳмудов 1994 йилда "Барақа" фермер ҳўжалигини ташкил қилди. Акаси Абдуқодир, укалари Абдукарим, Холмухаммад, Бахтиёр, Қомилжонлар билан 10 гектар майдонда иш бошлаган Абдумавлон Навоий вилоятдан гўзанинг "Гулбаҳор" нави-ни илк бор Сурдарёга олиб келди. Ҳудуддан ортидан урғунни "Абдулла Қодирий" фермер ҳўжалиги раҳбари Асад Бердиқуллова ҳам тавсия этди. Сувисизликка, шўрга чидамлиги нав ҳосилдорлиги, сертоналиги билан чўлқурларнинг эътиборини тортиди. Баҳамжихат, кўлни қўлга бериб эзгу ниятда астойдил меҳнат қилган "Барақа"

фермер ҳўжалиги аъзолари авваллари 8-10 центнердан ҳам ҳосил олинмаган, боз устига қора шўра одамни бўйлайдиган даражада босиб кетган майдонларнинг ҳар гектаридан 28 центнердан сара ҳомаш ёйғиб-териб олишди. Янги келтирилган нав бошқа туманларда ҳам кенг тарқалди. Дастлабки утқурлар йилдан-йилга ҳўжалик майдонлари кенгайишига омили бўлди. 2006 йилда бутдой ва чигит экиладиган ер 111 гектарга, 2007 йилда 595 гектарга етказилди. 2006 йилда 40 гектар галла майдонининг гектаридан 43,7 центнердан, 70,4 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 32 центнер "оқ олтин" йиғиштириб олишди.

Қишлоқ мулкдори

чилар иш ҳақларини ошириш ва янги иш ўринлари очишга сарфлаяпти. Айни вақтда фермер ҳўжалигида 8 та "МТЗ-80" ва "ТТЗ-80-10" чопик, 2 та "Т-4", 1 та "МХ-140" ҳайдов, 4 та транспорт трактори, 2 та "ГАЗ-53" юк автомашинаси бор. Фермер кейинги уч йил ичиде 56 гектар боғ, 23 гектар тоқор, 20 гектар бедозор барпо қилди. Ҳадемай боғ ва тоқорлардаги турли олма, ўрик, шафтоли ва узумзор ҳосилга қиради. "Пахтаобод" СФУ ҳудудидаги 400 ўрин-

ли ётоқхонада эса чопикчию темирчиларнинг энг қизгин пайтда ётоқ билан келиб ғўза чопиб, пахта териши ҳамда ҳўзарчиларнинг кўнгилли дам олишлари учун ҳамма нарса муҳайё этилган.

Шунингдек, кейинги икки йилда тумандаги жомеъ масжиди таъмирига 2 миллион сўм, 21-умумтаълим мактабига 6,5 миллион сўм, худуддаги "Дўстлик" болалар боғчаси таъмирига 4 миллион сўм, туман кўзи охишлар жамиятига 2,8 миллион сўм, оммавий спорт мусобақалари ўтказишга 3 миллион сўм ҳоимийлик ёрдами кўрсатди. Бундан ташқари, ҳар йили кам таъминланган оилаларга 15-18 тонна бутдой тарқатилди. Шу йилнинг ўзиде 5 та кам таъминланган оилага 5 бош болали сизир олиб берди.

Фермер ҳўжалигида 50 бошдан ошиқ қорамол, 400 та товуқ бор. Сут, қатиқ, туқум фермер ҳўжалигининг ўзидан чиқади. Ҳўжаликда чорвачилик жадал ривожланиётгани экин майдонлари унумдорлигини таъминлашда ҳам катта роль

Қашқадарё Вилояти

Ўқув қўлланмалари ЯРМАРКАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 майдаги "Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини тақомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилоятида кўргазма-ярмарка ҳамда "Китоб байрамлари" ташкил этилди.

Тадбир доирасида "Ўзбекистон футболи", "Қашқадарё" китобларининг тақдими ҳам бўлиб ўтди. Анъанавий китоб байрамидан дарсликлар, ўқув-услуви қўлланмалар, болалар адабиётлари, энциклопедиялар, лугатлар, кўргазмали қуроллардан намуналар номийлаш этилмоқда. Бир ой давом этадиган кўргазма-ярмаркага 314 номдаги ўқув, бадиий, маънавий-маърифий, иқтисодий-сиёсий адабиётлар, газета-журнал ва плакатлар тақдим этилган. Кўргазма-ярмарка ҳамда "Китоб байрамлари" иштирокчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" муҳбири.
Хусан ТЕМИРОВ



Қашқадарё Вилояти

Футбол мактабимизни истеъодли, умидли спортчилар маскани, десак хато қилмаймиз. Утган қисқа довр мобайнида мактабни битирган 250 нафар ёшларнинг кўчилиги нуфузли футбол клубларида тўп суришмоқда. Айниқса, "Пахтакор" дарвозабони Темур Жўраев, "Шўртан" клуби хужумчилари Алишер Юсупов ва Лазиз Убайдуллаев, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоси Шўхрат Муҳаммадиев шулар жумласидандир. Шогирдларимиз эришаётган ютуқларидан ҳақли равишда фخرланамиз.

эътиборга молик. Жумладан, Шахрисабздаги 5 минг ўринли ўйингоҳ, замонавий кулайликларга эга бўлиб, 3 та теннис корти, кўл тўпи, волейбол, баскетбол майдончаларида спортнинг бир неча турлари билан шуғулланиш учун

болалар ўртасида ўтказилган III аънавий халқаро футбол турнирида жамоамизнинг ёш спортчилари фахрли ўринни кўлга киритишди. Шунингдек, Навоий вилоятида ўтказилган "Футболимиз келажаги" республика

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРДАН УМИДИМИЗ КАТТА

барча шароитлар мавжуд. Футбол мактаби ўқувчилари олий тоифадаги ҳакам Азамат Жалилов, биринчи тоифали мураббийлари Одил Аҳмедов, Анвар Юсуповларнинг сабоқларини кунт билан ўрганишмоқда.

Болалар ва ўсмирлар футбол мактабимиз жамоаси Гулистон шаҳрида ўтказилган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасида спортнинг бир неча турлари бўйича Қашқадарё шаънини муносиб ҳимоя қилишди. Уларнинг республика миқёсида ўтказилаётган мусобақаларидаги иштироки йил сайини ошириш бормоқда. 2009 йили футбол федерацияси томонидан 1997-1998 йилларда тузилган

лика турнирида фахрли I ўринни эгалладик.

Ёш, умидли футболчиларимиз эришаётган ютуқларида "Шўртан" клубининг алоҳида ўрни бор. Унинг томонидан ҳар бир спортчимиз махсус спорт кийимлари ва бошқа зарур анжомлар билан таъминланиб келинмоқда. Мақсадимиз ўзбек футболни дунёга танитадиган умидли футболчиларнинг янги авлодини вояга етказиш бўлиб, жамоамиз зимдаги масъулиятли вазифани бажариш учун астойдил интилоқда.


Хайрулла ЖАББОРОВ, "Шўртан" клубининг Шахрисабздаги болалар ва ўсмирлар футбол мактаби директори.



СПОРТ

ҲАКАМ ҚУВОНЧЕККА ИМКОНИЯТ БЕРМАДИ

Ўрта вази тоифасида WBA йўналиши Интерконтинентал чемпионлик камари соҳиби А.Хурридзе ўзбекистонлик боксчи Қувончек Тойғонбаевага қарши ҳимоя жангини ўтказди.



"НАСАФ" ОФК КУБОГИ МУСОБАҚАСИДА ИШТИРОК ЭТИШИ МУМКИН

Ўзбекистон профессионал футбол лигасининг жорий йилги мавсумдаги бронза медали соҳибдори "Насаф" жамоасининг ОФК кубоги — 2010 мусобақасида иштирок этиши сўроқ остида эди. ЎФФ Терма жамоалар билан ишлаш ва маркетинг бошқармаси бошлиғи Алишер Никоминев интернет саҳифаларидан жой олган интервюсида ушбу масалага қуйидагиларни айтишди:

"Нефтичи" ўтган йили араб жамоаларидан бири ОФК кубогида қатнашишдан бош тортганлиги учун мусобақага таклиф қилинган. Бу йил ҳам "Бусайтин" (Бахрайн) ва "Перлиз" (Малайзия) клублари 2010 йилги мусобақада иштирок этишдан бош тортди. Биз бу вақтга қадар ОФКга хат билан мурожаат қилиб, "Нефтичи"нинг мусобақадаги иштироки туфайли мамлакатда ОФК кубогига бўлган қизиқиш ортганлиги ва 2010 йилда ҳам ушбу мусобақада иштирок этиш учун Ўзбекистонга ўрин беришларини фахрий ёрликларига, энг муҳими, тумандошларининг раҳаматига сазовор бўлди.

"РУБИН" — РОССИЯ ЧЕМПИОНИ

Қозоннинг "Рубин" жамоаси кетма-кет Иккинчи бора футбол бўйича Россия чемпионлигини нишонлади.



Азиз НУРУЛЛАЕВ

Россия премьер-лигасининг 29-тури доирасида "Рубин" Санкт-Петербургнинг "Зенит" жамоасини қабул қилди. Унинг энг яқин таъбиқчиси "Спартак" (Москва) эса ҳамшаҳарлари ЦСКА жамоасига қарши майдонга чиқди. Чемпионлик ўрин қурашнинг назарий жиҳатдан бўлса-да, охириги турда қадар давом эттириш учун "Спартак" жамоаси ЦСКА жамоасини мағлуб этиши ва қимматли 3 очкони кўлга киритиши лозим эди. Аммо "армиячилар" ушбу ўйинда 2:3 ҳисобида "Спартак"дан устун келишди. Қозонда "Зенит" билан 0:0 ҳисобида дуранг ўйнаган "Рубин" эса 60 очко жамғариб, чемпионат тугашидан бир тур аввал Россия чемпиони бўлди. Шунингдек, 55 очко жамғарган "Спартак" иккинчи ўринни эгаллагани ҳам аниқ бўлди. Учинчи ўринни қайси жамоа эгаллаши эса сўнги турда ҳал бўлади. Соҳибини учинчи ўринни эгаллаш учун 51 очкодан жамғарган "Зенит" ва "Локомотив" ҳамда 49 очкога эга ЦСКА жамоаларида имконият бор.

ШОББОЗДАГИ ХУСУСИЙ ШИФО МАСКАНИ

Беруний туманидаги қадимда Буюк Ипак йўли тугаган манзилда жойлашган Шоббоз қишлоғига йўлингиз туша, пештоқига "Рейимбой-Тўхтагон" деб ёзиб қўйилган шинамгина масканини кўриб, кўзингиз қунайд.

Гийёҳ кўкармайдиган, ташландик тақир ер ўрнида тез қунда янги бино қад кўтарганида қишлоқдошларнинг қувонганини айтмайсизми? Аҳир замонавий услубда, чиройли қурилган бинодо жойлашган бу маскан қишлоқ кўрғига кўрқ қўлганидан ташқари, шоббозликларнинг узогини яқин қилди-да! Энди шифокор кўригидан ўтиш учун узок йўл босиб юришга ҳоҳат қолмади. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда тўлиқ ишга тушган бу маскани барпо қилиш асосий ташаббускорларидан бири Тўхтагон Файзуллаева бўлади.

Тўхтагон опа "Интиланган толе ёр", деган пурҳикат маконини ўз ҳаётига тадбиқ этишга эришган бахтли инсонлардан бири, десак хато бўлмайди. У шилтидан тиббиёт ҳодими бўлишни орау қилар эди. Албатта, орауға етишининг ўзи бўлмайди. Тўхтагон неча йиллар давомида ўқиб-изланди, соҳа сирларини ўзлаштирди. Тошкент тиббиёт олийгоҳини тугатиб қайтган, олий маълумотли мутахассис сифатида кўп йиллар тургандаги турли шифоналарда самарали фаолият кўрсатди. Хусусан, тумандаги "Қиётобод" санаторийси энг яхши тиббиёт масканларидан бирига айланганда Тўхтагон Файзуллаеванинг хизматлари катта. Бу маскан ташкил этилганидан

Саъдулла ОЛЛОМОВ, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

Chevrolet NIVA advertisement showing two vehicles and contact information for dealers.

"ВОЛГА" АВТОМОБИЛЛАРИГА МАКСИМАЛ ЧЕТИРМА advertisement for AVTODOM PLUS.

Legal notices and advertisements for various companies and services.

Вниманию организаций и предприятий!

Инжиниринговая компания по капитальному строительству при хокимияте Навоийской области объявляет конкурсный торг по объектам:

- 1. "Строительство детской школы музыки и искусства № 6 на 150 учащихся в г.Янгиробот Хатирчинском районе Навоийской области..."
2. "Строительство детской школы музыки и искусства № 2 на 150 учащихся в Карманинском районе Навоийской области..."
3. "Строительство здания "Дом молодежи" в г.Навои..."
4. "Строительство регионального центра по борьбе СПИДом в г.Навои..."
5. "Строительство ул.Таробий соединяющий Карманинский район с ш/х Нарпай на участке 0-2,8 км..."

ЗАКАЗЧИК: Инжиниринговая компания по капитальному строительству при хокимияте Навоийской области.

РАСПОЛОЖЕННЫЙ: г.Навои, ул.Навои-63.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсного торга или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договоров.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достигаются на сумму указанно-го налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области по адресу г.Навои, ул.С.Айний-32. Тел.: (8436) 225-53-85, 225-52-38.

Advertisement for MUASSISLAR KENGASHI (Legal Consultants).

Advertisement for TAХРИР ХАЙЯТИ: (Editorial Services).

Advertisement for AVTODOM PLUS (Car Sales).

Advertisement for Реклама ва эълонлар (Advertising and Announcements).

Advertisement for МАНЗИЛИМИЗ: (Our Address).

Advertisement for Навбатчи: (On Duty).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Хайв"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-1017, ҳақми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қозғ бичими А-2.

Босишга топширилди вақти: 21.00 Босишга топширилди: 22.15 9995 нускада босилди. Нашр индекси — 144

Газета тахририятининг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.